



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 25 - dekabr

219-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

Самарқанд туманидаги “Оқ Амур балиқлари” фермер хўжалиги ва “Бобирмирза Баходирмирза балиқлари” фермер хўжаликлари ҳисобидаги ер майдонларининг бир қисмини туман ҳокимлиги заҳира ерлари ҳисобига қайтариш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларнинг бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли фармониға мувофиқ, Самарқанд тумани ҳокимлигининг 2021 йил 14 декабрдаги (01/1-5606-сон) мурожаати, “Оқ Амур балиқлари” ва “Бобирмирза Баходирмирза балиқлари” фермер хўжаликларининг аризаларини инобатға олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5 ва 36-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қуйидагилар:

Самарқанд тумани “Тулистон агротехсервис” агрофирмаси ҳудудида жойлашган “Оқ Амур балиқлари” фермер хўжалиги ҳисобида бўлган 408қ, 414қ-рақамли контурлардаги жами 6,0 гектар (шундан, 2,5 гектар бошқа ерлар, 3,5 гектар ўтлоқ) ер майдонлари;

“Бобирмирза Баходирмирза балиқлари” фермер хўжалиги ҳисобида бўлган 408қ, 417қ, 414қ-рақамли контурлардаги жами 6,0 гектар (шундан, 0,7 гектар бошқа ерлар, 5,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер майдонлари, 0,1 гектар ариқ, зовурлар ва 0,1 гектар йўллар) ер майдонлари туман ҳокимлиги заҳира ерлар ҳисобига қайтариб олинсин.

2. Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси (Я.Давронов) бир ҳафта муддатда туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Самарқанд туман ҳокимлиги (Н.Мавлонов) фермер хўжаликларининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Абилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов